

# Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2022-yil 28-iyul, payshanba

№ 28 (9192)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti\_gazetasi

## Муносабат

### МИНТАҚАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФА

*Дунёдаги геосиёсий жараёнлар таъсирида юзага келган глобал молиявий инқироз Марказий Осиёни ҳам четлаб ўтмади. Бугунги кунда мазкур инқирознинг минтақамизга таъсирини юмшатиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракат халқларимиз фаровонлигини яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятли.*

Халқро тартибот оқи- батини олдидан башорат қилиш қийин бўлган шиддат- ли трансформация жараёни ҳамда жаҳондаги геосиёсий вазият минтақага бевосита таъсир кўрсатаётган мана шундай мураккаб бир пайтда Марказий Осиё давлатлари ўзаро тушуниш тамойилига асосланган сиёсат олиб бор- моқда. Таъкидлаш жоиз, дав- латимиз раҳбари томонидан ташқи сиёсатдаги бош усту- вор йўналиш сифатида бел- гиланган Марказий Осиё дав- латлари ўртасида тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик мухитини яратиш, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш сиёсати эътирофга лойиқ.

Хусусан, Президент Шав- кат Мирзиёевнинг халқро даражадаги йиғилишлар, Ўзбекистонда бўлиб ўтган халқро конференциялар ҳамда Марказий Осиё дав- латлари раҳбарларининг Остона, Тошкент ва «Аваза» миллий сайёҳлик зонасида ташкил этилган Маслаҳат уч- рашуварларидаги нутқларида Марказий Осиёда хавфсиз- ликни таъминлаш, ижтимоий- иқтисодий ривожланиш ва Афғонистондаги вазиятни

барқарорлаштиришга оид тақлиф ва тавсиялари халқро миқёсида кўллаб-қувват- лаб келинмоқда.

Эътиборли жиҳати шун- даки, бундай фаол минтақа- вий стратегик ташқи сиёсат бугунги беқарор геосиёсий вазият ва жаҳон молиявий инқирози шароитига қа- рамасдан изчиллик билан давом эттирилмоқда. Бу Марказий Осиё давлатлари бирдамлиги мустақкам эка- нидан далolat.

Тахлиллар кўрсатмоқда- ки, Ўзбекистоннинг Марка- зий Осиё давлатлари билан ташқи савдо айланмаси 2017 йилдаги 2,7 миллиард дол- лардан 2018 йил 4,0 мил- лиард долларга кўтарилган.

Ушбу кўрсаткич 2019-2020 йилларда мос равишда 5,2 ва 5,0 миллиард долларни ташкил этган. 2021 йил яку- нида эса минтақавий сав- до-сотик миқдори 6,4 мил- лиард долларга етиб, беш йиллик умумий натижа 23,3 миллиард долларга тенг бўл- ди. Кўришиб турибдики, ўтган беш йил мобайнида ташқи савдо айланмаси қарийб икки ярим баробар ўсган.

(Давоми 2-саҳифада)



## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

### ТОМОРҚАДАН ТИЛЛА ТОПАЁТГАНЛАР

Одамда шижоат, қатъият бўлмаса, бунинг устига меҳнат қилишни билмаса қандай қилиб у ўз уйини ёки томарқасини обод қила олади? Ишонасини қўяверинг, ўз уйида ҳам ҳавас қилар даражада самарага эришолмайди. Президентимиз яқинда бўлиб ўтган йиғилишда аҳоли томарқасидан бир йилда 2-3 марта ҳосил олиш имконини берадиган тизим яратиш зарурлиги ҳақида гапириб, ҳозирда 64 та тумандаги аҳоли томорқасидан 3 марта ҳосил олиб, ўртача 64-100 миллион сўмгача даромад қилаётганини таъкидлаб ўтдилар. Лекин 22 та туманда томорқадан фойдаланиш самарадорлиги паст экан.



## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

### Кластернинг КОМБАЙНЧИ ҚИЗИ

Ҳа, шундай. Дилчеҳра Эргашева Пахтакор туманидаги “Silverleaf” пахта-тўқимачилик кластерида комбайн оператори бўлиб ишлайди. Бу ҳақда аксарият юртдошларимиз “Янги Ўзбекистон” боғида Ёшлар кунига бағишланган тантанали тадбир орқали хабар топишди. Сабаби, бир гуруҳ ёшлар қаторида Дилчеҳра Эргашева давлатимиз раҳбарининг қўлидан юксак мукофот – “Келажак бунёдкори” медалини қабул қилиб олди. Кўпчилиги Дилчеҳранинг комбайн оператори эканлигини эшитганида ҳайрон қолгани ҳам бор гап. Одатда қизлар техникадан узоқ юришади-да. Дилчеҳрада эса бунинг акси. Унинг болалагидан техникаларга қизиқиши баланд.

– Кичкиналимдан катта техникаларни бошқаришни орзу қилардим, – дейди у. – Ўйлаб кўрсам, бу менга отамдан ўтган бўлса керак. Чунки улар техника тилини жуда яхши тушунади, механизатор. Техника билан тил топишиб кетишим қонимда бор, десам, адашмаган бўламан.



### ШАХСИЙ ҲАЁТ ДАХЛСИЗЛИГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАНМОҚДА

Инсон қадри деганда, аввало, ҳар бир инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, хусусан, шахсий ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати, обрўси, ишчанлик даражаси, жамиятда тутган мавқеи тушунилади. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасида айнан шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар инсон қадри тамойилларига ҳамоҳанг равишда кенгаймоқда.

Масалан, Конституциянинг ҳамма- мизга маълум бўлган амалдаги 27-мод- дасида: “Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралаштидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳол- лардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас”, деб белгиланган.

Конституциявий қонун лойиҳасида шу модда инсон ҳуқуқларини янада кенгроқ даражада ҳимояладиган нормалар билан бойитилиб қуйидагича берилмоқда:

“27-модда. Ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсиз бўлиши, шахсий ва оилавий сирини, ўз шаъни ва қадр- қиммати ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўз шахсига доир маълумотлар- ни ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир шахс ёзишмаларни, теле- фон ва бошқа телекоммуникация ку- рилмалари орқали сўзлашувларни, почта-телеграф жўнатмаларини ҳамда бошқа хабарларни амалга ошириш эр- кинлиги ва уларнинг сир сақланиши ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқнинг чеклани- шига фақат қонунда белгиланган ҳол- ларда ва тартибда, суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

(Давоми 3-саҳифада)

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

### НАСЛЛИ ҚУЁНЛАР КЎПАЙТИРИЛМОҚДА



Қуйи Чирчиқ туманида ўтган йили қуёнчилик ва наслчилик мажмуаси қурилиши якунланиб, йил охирида Италиядан 2500 бош “биянка” зотли қуёнлар келтирилган. Жорий йил бошида эса яна 3 минг бош насли қуён келтирилди ҳамда хориздан малакали мутахассислар жалб қилиниб, ҳозирда қуёнчилик селекцияси, яъни қуёнларни сунъий уруғлантириш ишлари йўлга қўйилди. Бундан ташқари, “Қуёнчилик ва наслчилик агро комплекс” МЧЖ таркибида қуён гўштини қадоқлаш, мўйна ва тери олиш ҳамда қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш режалаштирилган. Ҳозирги кунда корхонада 30 минг бош насли қуён зотлари кўпайтирилиб, боқилмоқда. “Ўзагроинспекция”нинг туман бўлими инспекторлари томонидан қуёнчиликка ихтисослашган корхоналарда қуёнларни сақлаш ва парвартириш технологияларининг қўлланилиши ҳамда наслчилик ишларидан самарали фойдаланиш, зот сифатини яхшилаш масалалари бўйича услубий ва амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Д.ЎКТАМОВ,

“Ўзагроинспекция”нинг Қуйи Чирчиқ тумани катта инспектори.

## НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ

### ГОВАНИ ЯЁВ КЕЗГАНДА...

Чустнинг шимолий қисмида, тоғ оралиғида зилол сувли, мусаффо ҳаволи Гова қишлоғи жойлашганки, ўлкамиздаги дам олиш жойларидан ҳечам қолишмайди. Бу ерда аҳоли асосан деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик ва асарачилик билан шуғулланади. Қишлоққа саёҳат қилар экансиз, ўзингизни мисоли жаннатга тушиб қолгандай ҳис этасиз. Баҳорда қўш билан ер ҳайдаётган деҳқонлар, мевазор боғларни парвариш қилаётган боғбонларни, дўппи тикаётган қиз-жувонларни кўриб, қўзингиз қувонади. Одамларининг меҳмондўстлиги, бир бирига меҳр- оқибатидан мамнун бўласиз.



Ҳамкорлик ривожланса, ўзаро ишонч руҳи янада кучаяди



## КЛАСТЕРНИНГ КОМБАЙНЧИ ҚИЗИ

(Боши 1-саҳифада)

"Silverleaf" пахта-тўқимачилик кластери томонидан хотин-қизларни ишга қабул қилиш бўйича берилган эълон Дилчехранинг орзулари сари йўлакча очди. Негаки, кластер раҳбарияти хотин-қизлар орасидан "John Deere" техникалари учун операторлар излашаётган эди. Бу эса Дилчехра учун аниқ мудоа бўлди.

— Кластерга бориб техникаларни кўргач, қизиқшим яна ортди. Лекин ички ҳадик ҳам йўқ эмасди: бундай улкан техникани ҳайдаш қийин эмасмикан? Йўқ, жуда осон экан. Назарий ва амалий машғуллар давомидида "John Deere" ни ўзимга бўйсундириб олдим, — дейди у жилмайиб.

Дилчехра Эргашева ёш ва нозик бўлишига қарамай, юқори унумли ва улкан комбайнни устамонлик билан бошқаради. Унинг эслашича, рулга илк бор 2020 йилда мустақил равишда ўтирган. Ушанда лазерли ускуналар ёрдамида экин ерларини текислаган. Сўнг пахта териш машинаси, кейин эса комбайнни бошқарган. Масалан, бу йилги ғалла ўрими-йғими мавсумида шери билан бирга, жами 541 гектар ердаги ғалла ҳосилини йиғштириб олди.

— Кўпчилик қиз бола учун техникани бошқариш қийин эмасми, деб сўрашади. Тўғриси айтман, шу пайтгача оғирликни сезмаганман. Аксинча, "John Deere" ни бошқариш жуда қулай. Бу техникалар ўта замонавий ва шинам. Ҳайдовчи учун яратилган шароит енгил машиналардагидан асло қолишмайди. Масалан, ҳозир ғалладан бўшаган майдонларни текисляпмиз. Кейин пахта терамиз. Мавсумий ишларга қараб техниканинг агрегати ўзгаради, холос. Айтилик, пахта терими тугаганидан сўнг унга биз, операторлар тили билан

айтганда, "капалак" мосламасини тақамиз. Унинг ёрдамида ғўза поялари ўрилади-да, майдаланиб, тупроққа аралаштириб кетилади. Бу ер учун бебаҳо ўғит ҳисобланади. Аниқ пайтда Дилчехра Эргашева олий ўқув юрти талабаси ҳамдир. У Жиззах давлат педагогика университетига таҳсил оляпти. Иш ўқишга ҳалал бермасмикан?

— Ишим ўқишимга ҳалал бермайди, кластер раҳбарияти ўқишга бориб келишим учун шароит яратиб берган. Ҳозир учинчи курсни тамомлаб, тўртинчи курсга ўтдим. Баъзида ўқишларим кўлайиб кетса, ишимни кечки навбатга ўтказиб, зиммамдаги ишимни бажариб қўяман. Умуман олганда, ишим ва ўқишим бир-бирини тўлдириб туради. Инглиз тили ва адабиёти факультетида ўқиганим учун инглиз забон одамлар билан мулоқотда бўлиб туришим зарур. Кластерда эса бундай мутахассислар жуда кўп.

Шунинг учун Дилчехра Эргашеванинг университет дипломини олганидан сўнг ҳам операторлик касбини ташлаш нияти йўқ. Иккаласини бирга олиб кетмоқчи.

— Президентимиз юксак мукофотни топиширунча, "О, мени қизим", деб мурожаат қилиб, "Мукофот муборак бўлсин!" дея табриклар, кўксимга "Келажак бунёдкори" медалини тақиб қўйдилар, — дейди Дилчехра Эргашева. — Уша пайтда қандай хурсандлигимни билсангиз эди... Буни сўз билан ифодалаб беролмайман. Айтмоқчи бўлганим, энди давлатимизнинг биз, ёшларга бўлган улкан ғамхўрлигини, Президентимизнинг катта ишончини, каматарона хизматимга берилган бу юксак баҳони, албатта, оқлашим керак.

Саид РАҲМОНОВ,  
журналист.

## МИНТАҚАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

(Боши 1-саҳифада)

2022 йил 21 июль кунин Чўлпонота шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг тўртинчи Маслаҳат учрашуви ташкил этилди. Ушбу Маслаҳат учрашувида ҳам иқтисодий барқарорлик, минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазият каби кун тартибдаги долзарб масалалар ўзаро маслаҳатлашилган ҳолда муҳокама қилинди.

Қирғизистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон давлат раҳбарлари иштирок этган мазкур учрашувда олиб борилаётган мулоқот сабаб, дўстлик ва яхши кўшничилик муносабати мустаҳкамланаётгани, минтақада янги конструктив ҳамкорлик муҳитини яратиш, хавфсизлик, барқарорлик, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш бўйича мураккаб вазифалар изчил ҳал этиб келинаётгани қайд қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Марказий Осиё давлатлари бирдамликда иш тутиши, жаҳон молиявий инқирози туфайли минтақа давлатлари логистика занжири узилиши, инфляция ортиши, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигига нисбатан хавф-хатар кучайиб бориши фонида кўп томонлама ҳамкорликни мувофиқлаштириш, самарадорликни янада ошириш зарурлигига урғу берилди.

Шу билан бирга минтақада иқтисодий барқарорликни таъминлаш, савдо-иқтисодий муносабатни янада мустаҳкамлаш, божхона тизимини соддалаштириш ва транспорт инфратузилмасини яхшилаш, чегара ҳудудларида савдо зоналари тизимини яратиш, саноат кооперациясини амалга ошириш, иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш, ҳар йили Марказий Осиё ҳудудлари форумини ўтказишни йўлга қўйиш, минтақанинг инвестиция соҳасидаги умумий жозибадорлигини ошириш учун ягона қулай

ишбилармонлик муҳити яратиш кераклиги таъкидланди.

Бундан ташқари, Ҳиндистон, Покистон ва Хитой бозорига чиқиш учун муқобил транспорт йўлақларини яратиш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилди. Аҳолини кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашнинг комплекс тизimini ишлаб чиқиш, муқобил

ларининг мунтазам маслаҳатлашувини йўлга қўйиш таклифи қўллаб-қувватланди.

Таъкидлаш жоиз, мунтазам учрашувлар ташкил этилиши натижасида мавжуд хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар мувофиқлаштирилади, биргаликдаги ҳаракат натижасида минтақа хавфсизлиги таъминланишига эришилади.



энергетика манбаларини яратиш, электр энергиясини ўзаро етказиб беришни ташкил этиш, сувни тежайдиган ва экологик тоза технологияларни кенг жорий этиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ўзаро туризм оқимини тезлаштириш бўйича қўшма экспертлар гуруҳи тузиш таклифлари ҳам ўртага ташланди.

Бундай саъй-ҳаракатлар давлатларимизнинг экспорт салоҳиятини, янги бозорларга чиқиш имконини оширади. Минтақанинг иқтисодий салоҳиятини кўтарди.

Йиғилишда Шавкат Мирзиёев томонидан минтақавий хавфсизлик йўналишига алоҳида урғу берилди.

Жумладан, экстремизм, терроризм, уюшган жиноятчилик ва наркотрафик каби аънанавий таҳдидларга қарши курашда амалий ҳамкорликни кучайтириш, Интернетда ноқонуний фаолият билан боғлиқ янги хавф-хатарлар ортб бораётгани ва бошқа салбий ҳолатларни инобатга олган ҳолда, аниқ йўналишда минтақа мамлакатлари Хавфсизлик кенгашлари ва махсус хизматлари раҳбар-

ларининг мунтазам маслаҳатлашувини йўлга қўйиш таклифи қўллаб-қувватланди. Таъкидлаш жоиз, мунтазам учрашувлар ташкил этилиши натижасида мавжуд хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар мувофиқлаштирилади, биргаликдаги ҳаракат натижасида минтақа хавфсизлиги таъминланишига эришилади.

Шунингдек, Афғонистонда узоқ муддатли тинчлик ўрнатиш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш бўйича янги ҳамкорликни давом эттириш энг устувор йўналиш сифатида алоҳида эътироф этилди. Мазкур муаммо кўп жиҳатдан минтақа давлатларига боғлиқлиги, Афғонистон билан савдо алоқасини фаол ривожлантириш, ушбу юртни минтақадаги иқтисодий жараёнга жалб этиш, афғон халқига гуманитар ёрдамни кенгайтириш, муҳим ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни илгари суриш лозимлиги билдирилди. Аниқ чоралар орқали иқтисодий инқироз юмшаб, очарчилик камайишига эришилади.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари минтақада тинчлик, хавфсизлик ва дипломатия соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, баҳсли масалаларни фақат яхши кўшничилик ва халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларига риоя қилган ҳолда тинч йўл билан ҳал этиш, кўп томонлама ҳамкорликнинг мустаҳкам иқтисодий базасини шакллантириш, транспорт алоқасини кенгайтириш, транзит

шароитини босқичма-босқич яхшилаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ўз навбатида, терроризм, экстремизм, гиёҳвандлик ва қурол-яроғ савдоси, кибер жиноят ва трансчегаравий уюшган жиноятчиликнинг бошқа кўринишлари таҳдиди кучайиб бораётгани, ижтимоий-иқтисодий, этник, диний ва бошқа баҳоналар билан юзага келган хавфсизлик инқирозига йўл қўймаслик лозимлиги таъкидланди. Бу эса Марказий Осиёнинг яқин келажакдаги иқтисодий-ижтимоий ривожланишида, минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг ўзаро ишонч ва қалин дўстликка асосланган Маслаҳат учрашуви Марказий Осиёда хавфсизлик ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш йўлидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, минтақада янги превентив дипломатияни шакллантириш ҳамда ушбу йўналишда янги тенденция ва стратегиялар ишлаб чиқишга ёрдам бермоқда.

Мухтасар айтганда, Марказий Осиёда хавфсизлик ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатни минтақа аҳолиси фаровонлиги гарови сифатида баҳолаш мумкин. Сўнгги йилларда минтақа давлатлари ўртасида ўзаро ишонч тамойили асосида йўлга қўйилган дипломатик муносабат натижасида ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар, хавфсизлик ва яхши кўшничилик ришталари мустаҳкамланди.

Айни жараёнда глобал молиявий инқирознинг минтақага таъсирини юмшатишда бир-бирига ёрдам тамойилини қўллаш ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш орқали ўзаро ишонч руҳи янада кучайишига эришилади.

Искандар ЎРОҚБОВ,  
"Тараққиёт стратегияси"  
маркази бош мутахассиси

➤ Мутахассис маслаҳати

# АВГУСТ — ҒЎЗАНИНГ ЕТИЛИШ ДАВРИ

деҳқон бу пайтда нималарга эътибор бериши керак?

Ҳароратнинг кўтарилиши ғўза барглари юзаси бўйлаб мажбурий буғланиш юз беришига олиб келади.

Шу боис, деҳқонларимиз шу кунларнинг ҳар бир соғинасини қадрлаб, ғўза парваришини синчковлик билан олиб бормоқдалар. Улар ҳосилни кўпайтириш ва уни сақлаб қолиш аниқ палладаги ғўза қатор ораларига бериладиган ишлов сифатли бажарилишига боғлиқлигини яхши билишади.

Мана шу тадбирлардан бири пайкалдаги тупроқ намлигини бир маромда сақлаб туришдир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ғўзани чанқатиб, унга керагидан ортиқ сув бериш ҳам зарардир. Яна бир гап, ғўзани кўпроқ тунда суғориш лозим. Шунда фойдала бўлиб, ҳосил тугунчалари тўкилиши камаяди. Тупроқни бир текис намлаш учун калта эгати суғориш самаралидир. Суғоришда "шарбат" усули қўлланилганида, сувнинг буғланиши камаяди, тупроққа яхши сингади ва нам узоқ сақланади. Бунинг учун ҳар бир майдоннинг сув кирадиган жойига "шарбат" тайёрлаш учун хандак (ўра) қазилиб, суғоришдан 5-6 кун олдин 1:1 нисбатда сув билан гўнг аралаштирилиб қўйилади. Бунда фекаль, тоза мол гўнги, чириган гўнг ёки компостдан фойдаланиш мумкин. Ғўза ривож тизилишининг яна бир омил даланнинг бегона ўтлардан холи бўлишидир.

Август ойида ҳам ғўза майдонларида ёввойи ўт босиши, ҳатто улар уруғлаш босқичига кириши эҳтимоли ҳам йўқ эмас, чунки бегона ўтлар атроф муҳит шарт-шароитига ўта мосла-

шувчан бўлади. Улар ғўзага нисбатан сув-озуқа ресурсларини кўпроқ ўзлаштирилади, натижада ғўза сояда қолади. Таҷрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ғўза билан бирга униб чиққан бегона ўт ғўза билан рақобатда бўлади. Кузатувлар ўтказилганда, бутун ўсув даврида итузул билан зарарланган далада ғўза гектар бошига 13,7 центнер ҳосил берган, экин дастлабки 3 ҳафта мазкур бегона ўтдан тоза тутилганда эса ҳосил 38,9 центнерни ташкил этган. Бегона ўтлар бевосита зарар келтириши билан бирга билвосита ҳам зиён кўрсатади. Яъни улар паразит замбуруғлар кўзгатадиган касаллик учун қўшимча имконият сифатида хизмат қилади. Бегона ўтлар зарарли ҳашаротлар учун озуқа манбаи ҳамдир. Кўп зарарли ҳашаротлар олдин бегона ўтлардан озиқланиб кўпаяди, сўнгра ғўзага ўтади. Ҳосилга хавф соладиган ҳашаротлардан бири ўргимчаккандир. Унинг кўпайиш жойларига оптингурут кукунини (25-30 кг/га) чанглатиш ёки унинг оҳакли қай-

натмасини 2 фоиз сувли эритма тарзида қўл аппаратлари ва пуркагичлар ёрдамида (200-300 л/га) аралашма сарфлаб, пуркаш керак. Яна бир зараркунанда — кўсак кўртига қарши курашиш учун феромон тутқичлар зарур. У кечки салқинда ўрнатилиб, эрталаб назорат қилинади ва қайта йиғштириб олинади. Кўсак кўртининг капалаги тухум қўйишдан бошлаб, унинг ҳар авлодига қарши далага 3-4 марта трихограмма тарқатиш зарур.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг айтишича, трихограммани ҳар 4-5 кунда қўйиш лозим. Бунда ҳар сафар 1-1,3 граммдан, жами 3,3 грамм, ёки 60x80x60 минг нуктага қўйилади.

Далада кўрт бўлишига ва унинг зичлигига қараб 1:0,5; 1:1,0; 1:2,0 нисбатиде бракон чиқариш керак (ҳар гектарга 300 тадан 3000 тагача урғочи зоти ҳисобланади). Тарқатишда ишчилар бир-биридан 500 метр масофада бўлиб, ҳар 500 метрда баллон қопқоғи қисқа

муддатга (30 сония) очилади. Трихограмма ва бракон эрталаб барвақт (соат 5-10 гача), кечкун (август ойида соат 17-20 гача) тарқатилади.

Айни кунлар ғўза парваришида масъулиятли палла ҳисобланади. Шу боис, ғўза қатор ораларига ишлов бериш орқали тупроқнинг майин, дондор бўлишига эришиш лозим. Култиватор-озиклантиригич асосан ғўза қатор ораларига ишлов беришга мўлжалланган бўлиб, бегона ўтларга қарши кураш, тупроқни майин юмшатиб, намни яхши сақлаб, тупроқнинг тез қизиши ҳамда микроорганизмларга яхши шароит яратади. Бу тадбир ўсимликнинг яхши ривожланишини таъминлайди, сувсизликка чидамлилигини оширади, обихаётни 10-15 фоиз тежаш имконини беради. Шу билан бирга, ғўзанинг гоммоз, илдиз чириш касалликларига чалинишининг олди олинади. Ғўзанинг чанқаб қолиши ёки захлаб суғорилиши ҳосилдорликни камайтиради. Ортиқча сув ичган ғўза ҳосил тугунчаларини тўкиб юборади ва

ғовлай бошлайди, сақланиб қолган кўсақлар эса кеч очилади. Ғўзага сув эмас, балки нам кераклигини деҳқонлар асло унутмаслиги керак. Обихаёт исроф этилмаслиги учун тупроқ, об-ҳаво ҳамда усимликнинг ташналиги ҳисобга олиниб, суғориш муддати ва меъёри белгиланади. Ғўзанинг яхши ривожланиши учун тупроқдаги намлик 65-70 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Август ғўза вегетация даврида муҳим ой эканини деҳқон яхши билади. Шу ойда ташкилотчилик, уюшқоқлик ва фидойилик кўрсатилса, барча агротехник тадбирлар ўз вақтида, сифатли ўтказилса, даладарда мўлжалдаги ҳосил етиштирилиши аниқ.

Ренат НАЗАРОВ,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими,  
Жўраҳон АБДУЛЛАЕВ,  
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бош мутахассиси.

Ғова – тоғлар бағридаги сўлим гўша

Суднинг қарорисиз уй-жойдан маҳрум этилишга йўл қўйилмайди

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Инсон ҳуқуқлари – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Қибрай тумани адлия бўлими томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари манфаатини кўзлаб киритилган таъсир чоралари натижасида судларга 90 дан зиёд даъво аризалари киритилди ва уларнинг 98 фоизи қаноатлантирилди.

Адлия бўлими томонидан ҳал этилган масалаларни асосан меҳнат ҳуқуқларининг бузилиши, пенсияга оид муаммолар, соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун меъёрига амал қилиниши, ер-мулк соҳасидаги муаммолар ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик бўлаётган турли ҳолатлар ташкил қилади. Қибрай тумани адлия бўлимида ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг апрел ойида фермер хўжалиги раҳбари А.Б. туман адлия бўлимига Қибрай тумани ҳокимлиги томонининг компенсация пулини тўламаётганлигидан норози бўлиб мурожаат қилди. Ариза ўрганиб чиқилиб, Чирчиқ туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилди. Чирчиқ туманлараро иқтисодий судида ушбу даъво иши қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, даъво қаноатлантирилди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан ҳокимлик томонидан 4.320.236.601 сўмлик пул маблағлари тўлаб берилди.

Албатта, адлия бўлимининг ташкил этишдан асосий мақсад ҳам ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли таҳлил қилиш ва унинг изчиллиги ва бир хиллигини таъминлаш бўйича таъсирчан чораларни ишлаб чиқиш, ҳуқуқий меъёрларнинг ўзбошимчалик билан ва нотўғри талқин қилинишига йўл қўймаслик юзасидан жойларда давлат органлари ва бошқа ташкилотларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари уларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда таъминланишига эришишдан иборат. Бу эса ҳамюртларимизнинг вилоятлар марказига юзлаб чақирим йўл босиб юрмай, ҳуқуқий муаммоларини ортиқча оворатарчилмаслик ҳал этишига имкон бермоқда. Адлия бўлимининг ташкил қилинганлиги фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш йўлида катта қадам бўлди, деб айта оламиз. Адлия бўлими томонидан янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунини кенг халқ оmmasига етказиш бўйича кўплаб тадбирлар амалга оширилаётганлиги юқоридаги сўзларимизнинг далили ҳисобланади. Бундан ташқари, туман адлия бўлими томонидан туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ва халқ депутатлари Кенгашларининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорларини қонун ҳужжатларига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилаётганлиги кўплаб қонун бузилишларининг олдини олмақда. Бундан ташқари, адлия бўлими томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида ҳам кўплаб тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, адлия бўлими бутун фаолияти давомида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш бўйича кўплаб ишларни амалга оширмоқда.

Жаҳонгир АБДУСАТТОРОВ, Қибрай тумани адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси.

(Боши 1-саҳифада) Ғовада дам олиш масканлари кўп. Имкон топиб, бу ерга келсангиз, адашмайсиз. Қишлоқ яқин 4-5 йил давомида анча ўзгарди. Аҳоли ҳар бир қарич ердан мақсадли фойдаланиш илминини турли кўринишда дам олиш масканлари, 20 га яқин оилавий меҳмон уйлари ташкил қилиб, даромадга эга бўлишмоқда. Улар серсув ва бетакрор сой ёқасида жойлашган. Атрофи эса тоғлар билан ўралган ғоят сўлим ва хушхаво макон. Тарихи яқин 3 минг йилга бориб тақаладиган Ғова ўзининг бетакрор табиати, қиру тоғлари ва сою жилгалари билан азалдан сайёҳларни ўзига тортди келган. Сўнгги йилларда қишлоқнинг туризм салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

– Ҳаракатларимиз замирида Ғовани ривожлантириш, туризм инфратузилмасини яхшилаш, қишлоғимиз меҳмонлари учун қулай шароитлар яратиш ва шу билан бирга аҳолини иш билан таъминлаш мақсади мужассамлашган оилавий меҳмон уйлари ташкилланиб келинмоқда, – дейди ёш тадбиркор Зиёвуддин.

Албатта, туризм ривожланган жойда яшаш шароити ҳам яхшиланиб боради. Бундай иссиқ ҳавода хушманзара маскан – Ғовага келиб, дам олиб кетишга нима етсин?... Асосий машғулот деҳқончилик, чорвачилик бўлган ғоваликлар ирригация масаласида ҳам анча тадбиркор. Сойдан “кўтарма” усулида дашт ерларга

сув чиқаришган, янги ерлар очиб, боғ, узумзорлар барпо қилишган. Бугунги кунга келиб дашт ерларда ҳам деҳқончилик қилиш учун шароитлар қилинмоқда. Қишлоқда картошка экмайдиган хонадонни топиш амри маҳол. Деҳқончиликнинг қизиқ томони шундаки, экинни ерга қадаш, унга ишлов бериш ва ҳосилни йиғиш ишлари от ва эшаклар ёрдамида амалга оширилади. Қишлоқда картошка шунчалик кўп экиладики, мавсумда



ҒОВАНИ ЯЁВ КЕЗГАНДА...



қишлоқ худудида картошкани улгуржи сотувчи алоҳида бозор ташкил қилинади. Деҳқонларнинг

Тинчлик маҳалласидаги Наргиза опа хонадонидан қиш фаслида ҳам баҳорий муҳит ҳукмрон. Оила томорқасида гул етиштиришни йўлга қўйган.

– Гулчиликни ҳаваскорликдан бошлаганман, – дейди у. – Авваллига оиламиз аъзолари билан ҳавасга гул етиштирганмиз. Кейин гулчиликни кенгайтирганмиз. Ҳозирда 2 сотихга яқин ерда 30-40 хил гул етиштирамиз. Гулни етиштириш худди чақалоқни парвариш қилиш, унга меҳр бериш билан баробар. Гулга меҳр қўясиз, улар ривожланиб, яхши ўсади. Гул ҳам оғир меҳнат талаб қилади. Даромади шунга яраша яхши. Шунинг орқасида уй-жойларимизни яхшилаймиз.

Яна бир гул парваришловчи инсон Матлуба опа Имомхўжаевани ҳам суҳбатга тортдик. Бир неча йиллардан буён гулларга

ўзининг бор меҳрини бериб гулчилик билан шугулланиб келаётган бу самимий аёлнинг 30 дан ортиқ гуллари бор. Хонадонни доимо гулларнинг хушбўй исига тўла.

– Гулчиликка қизиқиш ёшлигимдан бошланган. Гулларни яхши кўрганим учунми уйда, ҳовлида доим ранг-баранг гулларни экиб, яқинларимга улашардим. Гулларга қанча меҳр кўрсатсанг, кундан-кун яшнаб боравераркан. Аввалига оддий қизиқиш бўлиб туолган бу машғулот эндиликда асосий даромад манбаимга айланди. Мана, гулларимни аста секинлик билан бозорга олиб чиқиб, яхши даромад олаётиман, – дейди Янги ҳаёт маҳалласидаги гулчи Матлуба опа.

Отабек ҚОБИЛОВ, Чуст тумани Ғова қишлоғи “Тинчлик” МФЙ ёшлар етакчиси.

ШАХСИЙ ҲАЁТ ДАХЛСИЗЛИГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАНМОҚДА



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Булунғурнинг “ТИГАНТ” картошкалари

Булунғурнинг миришкор деҳқонлари азалдан картошка етиштириб келганлар. Жорий йилда ҳосилдорлик ҳар қачонгиданда баракали бўлди, дейиш мумкин.

– Маҳалламизда 1048 та хонадон бўлиб, уларнинг қарийб барчасида картошка экилади, – дейди тумanning Элобод маҳалласи раиси Хусниддин Нишанов. – Жорий йилда картошканинг “Аризона”, “Пикассо”, “Санта”, “Савело” каби навларидан кенг экилди. Ҳосилдорлик яхши бўлган аксарият худудларда 10 сотих ердан 5,5-6 тоннадан ҳосил олинмоқда. Каттароқ картошкаларнинг биттаси 1,5 дан 2,5 кг.гача тош босмоқда.

– Ота-боболаримизнинг “Элга берсин” деган ҳикмати мағзини энди ту-

шунаяман, халқимиз дастурхони тўкин, турмуши фаровон бўлса, жамиятимиз ривожига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмас экан, – дейди тумanning Деҳқонобод маҳалласида яшовчи миришкор деҳқон Жўрабек Шодмонов. – Бу йил мўл-кўл ҳосил сабаб деҳқонларимизнинг кайфияти яхши. Еримиз унумдор, юртимиз куёшли, ҳаётимиз тинч, меҳнатимизга яраша барака топаётган-лигимиздан хурсандимиз.

Айни кунларда ҳосилни йиғиштириб олиш ва фурсатни бой бермай иккинчи экинни экиш ишлари қизгин давом этмоқда.

(Боши 1-саҳифада) Ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Суднинг қарорисиз уй-жойдан маҳрум этилишга йўл қўйилмайди.

Ҳеч ким шахснинг уй-жойига ёки бошқа мол-мулкига қонунда назарда тутилганидан бошқача ҳолда ва тартибда киришга, тинтув ўтказишни ёки кўздан кечиришни амалга оширишга ҳақли эмас.

Лойиҳада тақлиф қилинаётган норма тўғрисида инсоннинг шахсий ҳаёт дахлсизлигини, яъни ҳар бир жисмоний шахснинг ўзи ҳақидаги ахборотни, шахсига доир маълумотларни, шахсига, аҳли оиласига оид хабарларни унинг розилигисиз ошкор бўлишига тўсқинлик қилиш учун давлат томонидан кафолатланган имкониятлардир.

Умумэтироф этилган меъёрларга кўра, шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни унинг розилигисиз ноқонуний йиғиш ёки ҳаммага ошкор қилиш, ёхуд бу хабарларни жа-

моат олдида сўзга чиқишда, оммавий намоиш қилинувчи асарда ёки оммавий ахборот воситаларида тарқатиш, ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

Бугунги глобаллашув жараёнларида шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш ҳолатлари кузатилаётган. Айрим оммавий ахборот воситалари ёки баъзи бир блогерлар шахснинг обрўси, шаъни ва кадр-қимматини туширадиган ахборот тарқатганлиги учун суд олдида жавобгар бўлаётгани ҳам статистик маълумотларда кўришиб қолмоқда.

Яқинда оммавий ахборот воситаларидан бирида айнан шахсий ҳаёт дахлсизлигининг бузилишига оид бир жиддий хабар эълон қилиниб, кўпчиликни ҳайратлантирди. Мазкур хабарда келтирилишича, Андижон вилояти ИИБ масъул ходими ИИБ базасида мавжуд бўлган 40 мингга яқин фуқаронинг шахсий маълумотларини пуллаб, умумий

қиймати 6,4 миллиард сўмлик 3618 дона телефоннинг IMEI кодини учинчи шахсларнинг паспортларига расмийлаштиришга ёрдам берган. Ноқонуний олиб кириш натижасида 1 миллиард 630 миллион сўмлик божхона тўловлари тўланмаган.

Бундай инкор этиб бўлмас мисоллар Конституциямизга киритилаётган янги меъёрларнинг ўта долзарблигидан ва ҳаётий заруратлигидан далолат беради.

Хуллас, ҳар бир инсон ҳаёти учун муҳим бўлган шахсий ҳаёт дахлсизлиги мақоми эндиликда конституциявий нормага кўтарилмоқда. Умумэтироф этилган қоидаларга мос бу норманинг киритилиши инсоннинг кўзга кўринмас энг нозик ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қилишга асос бўлади. Зеро, мамлакатимизда инсон кадри баланд, ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддасдир!

Абдуқамол РАҲМОНОВ, “Адолат” СДП сиёсий кенгаши раиси ўринбосари. ЎЗА

ТОМОРҚАДАН ТИЛЛА ТОПАЁТГАНЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳоким ёрдамчилари лавозими таъсис этилаётганда уларнинг аҳоли томорқаларида иссиқхоналар, чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик, ҳунармандчилик, устачилик, кулолчилик ва ҳоказо тармоқларни очишга кўмаклашиши, бу соҳадаги ташкилотчилиги назарда тутилган эди. Ҳўш, улар бу ўйланган вазифаларни амалга ошираётими? Одамлар бошини қовуштириб, уларни ўз ортидан эргаштира олаётими? Бизнингча йўқ, лекин баъзи жойларда оқсоқоллар кўмагига таяниб ишлаганлар иши кўзга тез ташланиб қолгани ҳам маълум. Масалан, Риштон туманидаги “Зоҳидон” маҳалла фуқаролар йиғинига Сарваржон Имомназаров ҳоким ёрдамчиси лавозимига ишга келгунча маҳалла раиси Расулжон Раззоқов бу соҳада анча ишларни қилишга улгурган ва анча кўзга ташланиб қолган эди. Ёш ҳоким ёрдамчисининг дабурустан ишга киришиб кетиши, ўзини кўрсатиши осон иш эмаслиги маълум.

Раис уни қаноти остига олди. Билмаганини ёки сўраганини ўргатди. Лекин Сарваржонни хонадонма-хонадон юриб, ҳар бир

оиланинг эҳтиёжини ўрганишга, ўз уйларида пул топишга ўргатишга ундайверди.

Қишлоқда у келгунча 150 га яқин иссиқхона қурилган. Уларни қурган оилалар бошқа хонадонлардагига қараганда ўзларини анча бақувват ҳис қила бошлаганди. Кўпларида лимонлар, бошқаларида бодринг ва помидорлар ўстирилади. Иссиқхоналарда пишган полиз, сабзавот маҳсулотлари, цитрус меваларидан улгуржи пул келиб турганидан кейин дастурхон ҳам тўкин, оила ҳам фаровон, болалар ҳам яхши ўқийдиган бўларкан ҳам яхши ўқийдиган тез орада 15 оилани ана шундай иссиқхона қуришга кўндирди. Зоҳидон кўчасида яшовчи Акрамжон Усмонов бироз қийинчилик кўриб яшарди. Иссиқхона битгунча ўзи бош бўлиб турди ва тез орада битгач, кўчаларини ҳам экишда тепасида бўлди. Фаровон кўчасида яшовчи Давронбек Убайдуллаев, Бинокор кўчасида яшовчи Қаҳрамон Ҳайдаровга 14 фоизлик кредит олишга ёрдамлашди. 4 фарзанд ўстираётган 2-гурух ногирони Зоҳиджон Исмоиловга субсидия асосида 1 сотихдан иборат қурилган иссиқхона 6 миллион



200 минг сўмга тушди.

Эр-хотин Абдуҳамид ва Майрамхон учун аввалига 8 фоизли 29 миллион сўм кредит эвазига 3 сотихли иссиқхона қурдириб беришган эди. Бу оила орадан бир йил ўтиб 14 фоизлик 25 миллион сўм кредит олди ва яна 3 сотихдан иборат иссиқхона қуришди. Хонадонга бир йилда ана шу иссиқхоналардан 60 миллион сўмдан ортиқ соф даромад кириб келаётганига нима дейсиз? Фермер хўжалигида оддий ишчи тадбиркор ва ҳеч кимдан ками йўқ кишилар қаторига ўтишди.

– Зоҳидон қишлоғи номини

нафақат туман, вилоятга, балки, бутун Ўзбекистонга таратаётган кишилар унинг оддий, меҳнатсевар, тадбирли ва қатъиятли кишилари эканига ишонасизми, – дейди МФЙ раиси Расулжон Раззоқов. – Қишлоғимизнинг аксарият одамлари ўз томорқаларида очик томорқа ерига пёнка остига бодринг, помидор экиб, мўл ҳосил етиштираяпти. Бу экинларни эккунгача икки марта кўкат етиштиришади. Бодринг ва помидор ҳосили йиғиб олингандан кейин ўрнига оқ жўҳори, қалампир тадбиркор ва ҳеч кимдан ками йўқ кишилар қаторига ўтишди.

– Зоҳидон қишлоғи номини

ри, қалампир ва ҳоказо экинлар экилиб, ҳаётимиз кажрафтори айланаверади. Бир томорқадан 50-60 миллион сўмдан даромад олган оилалар бу йил ҳосил яхши бўлмади, дея ўзларидан хафа ҳам бўлиб қўйишади. Томорқадан олинган даромадлари эвазига машина сотиб олаётган, иморат қураётган оилаларнинг қай бирини айтиш? Яхшиши, Зоҳидонга келиб кўрган яхши. Минг эшитгандан бир кўрган афзал, дейишади-ку.

Зоҳидон кўчасида яшовчи Анваржон Мамаев хонадонни ҳавас қилса арзийдиган. 3 сотих иссиқхонада лимон, ўғли ва ўзининг 16 сотих ерида узумзор, 6 сотих ерда сабзавот, полиз экинларидан ҳосил олинаётди. Оила фаровончилигига ҳамма ҳавас қилади.

– Савдо ходими эдим, – дейди Анваржон. – Кўнглим ишни ташлашни, томорқа ишини ривожлантиришни тўсаб қолди. Бир ўзим меҳнат қилдим, қарасам соғлигим яхшиланаёпти, олган даромадим савдода ишлаганимдан ошаяпти. Кейин икки ўғлимга томорқа ери олдим. Ер кенгайгач иссиқхона қурдим, боғларни, узумзорларни кенгайтирдим. Гапнинг очигини айтганда, йиллик соф даромадимиз 80-100 миллион сўмдан ошди.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ, “Qishloq hayoti” муҳбири.

Эълон

Тошкент давлат аграр университетининг бухгалтерия ҳисоби ва аудит факультети томонидан Абдукаримов Умар Абсатарович номига 2002 йил 19 декабрда берилган В-105603 рақамли диплом (рўйхат рақами 2575) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ширин – нурчилар шаҳри  
унда ҳаёт қайнади

**"Сирдарё ИЭС" Осиё бўйича иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш бўйича энг катта станциялардан бири ҳисобланади. 1972 йилнинг декабрь ойида 1-энерго блок ишга туширилган ва Ўзбекистон энергетика тизимига 300 минг кВт. соат электр энергия қўшилган. Ҳозирда электр станция 3 миллион 215 кВт. миқдорда электр токи ишлаб чиқаради.**



**ФИДОЙИ НУРЧИЛАР КОРХОНАСИДА**

Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрини барчамиз нурчилар шаҳри, деб атаймиз. Шаҳарча мўъжазгина бўлиб, 20 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. У ерда яшовчи мутахассислар станцияда фаолият юритадилар. Бир гуруҳ журналистлар "Сирдарё ИЭС" АЖнинг бугунги кундаги фаолиятини, иш жараёнини ҳамда ходимлар учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш учун бордик. Бизларни кутиб олган ИЭС матбуот хизмати раҳбари Дониёр Маъмуров корхонанинг ҳар бир бўлими ва меҳнат қилаётган ходимлар билан таништирдик. Марказий бошқарув пулти муҳандиси Абдуфаттоҳ ака Тожиев ва Гулчеҳра опа Юлдашева деярли 40 йилдан буён мазкур станцияда фаолият олиб боришади. Улар сингари узоқ муддат ишлаётган ишчилар сони кўпчилигини ташкил қилади. Айниқса, анча йиллардан буён кранда ишлаётган аёллар эътиборимизни тортиди.

– Неча йилдан буён кранда ишлайсиз, кранда ишлаш сизга ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайдими, дея сўрайман жуссаси кичикроқ, қотмадан келган, ўзини Норқиз Алиева, деб та-

ништирган опадан.

– Мана шу йил кранда ишлаётганимга 14 йил бўлди, касбимни яхши кўраман, мен учун ҳеч ҳам қийинчилиги йўқ, – дейди опа фахрланиб.

Корхонада ишчилар учун "Заковат" интеллектуал ўйини, шахмат мусобақалари уюштирилиб, тез-тез кўнгилочар тадбирлар ўтказилар экан. Айниқса, эътиборимизни жалб қилган мўъжазгина кутубхона ва пианино чолғу асбоби бўлди.

Станция ичида озиқ-овқат, кийим-кечак дўконлари, ҳатто нақд пул ечиш учун банкومات



бўлиб, улардан 581 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади. Бу эса нафақат хотин-қизларга, балки барча ишчиларга қулайлик туғдиради, – дейди корхонанинг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва кадрлар бўйича директори Қутфиддин Алиёров.

Ҳар бир журналист корхонами, ишлаб чиқаришми ёки заводми, албатта, ишчиларга қилинган шарт-шароитга, иш жараёнида қай даражада қулайликларга эга эканлигига қизиқади. Суриштирувимиз натижасида шу нарса маълум бўлдики. Ҳақиқатан ҳам ишчи-ҳодимлар учун замонавий ошхона, ювиниш хоналари замонавий мосламалар билан жиҳозланганлигига, ҳаво алмашиш тизими янгитдан таъмирланганлигига гувоҳ бўлдик. Бу эса, инсон қадри ва унинг манфаатлари ҳар доим устун эканлигидан далолатдир.

Хонадонларимизга нур улашиш учун тинимсиз меҳнат қилаётган, ака-опаларим, сингилларим, барчангизнинг меҳнатларингиз таҳсинга сазовор. Сиз ўз меҳнатларингиз билан Ватанимиз тараққийига ўзингизнинг улкан ҳиссангизни қўшаётирсиз.

– Яқин кунларда ишчи-ҳодимларимиз учун махсус йўлак барпо қилмоқчимиз. Сабаби корхонамизда 2075 нафар ишчи-ҳодим

ҳам мавжуд. Тураргоҳда машиналардан кўра, велосипедлар кўплиги ишчи-ҳодимларнинг кўп қисми велосипедларда қатнашдан далолат беради. Энди савол туғилади: ишчиларнинг станцияга доимий қатнашлари учун махсус велосипед йўлакчалари борми? Суриштириб кўрдик. Ҳозирда бу борадаги махсус лойиҳалар устида мутахассислар ишлаётган экан.

Хуршида НИШОНОВА



Семинар

**Регистраторларнинг лавозим вазифалари нималардан иборат?**

Яқинда Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг "Рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва уни ўтказиш" бўлими мутасаддилари томонидан шаҳар Бандлик бош бошқармасида рўйхатга олиш бўлимига регистратор лавозимига ариза ёзган фуқаролар учун ўқув семинари ташкил қилинди.



Унда мазкур лавозимга қўйилаётган талаблар, уларнинг лавозим вазифалари нималардан иборатлиги ҳақида гапириб ўтилди. Жумладан, "Аҳолини рўйхатга олиш жараёнига жисмоний ва юридик шахсларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ рўйхатга олувчи ходимлар рўйхатга олиш варағига биноан респондентлардан шахсга доир маълумотларни олиши, аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларни бажарганлик учун меҳнатига ҳақ олиши, шахсга доир маълумотларни йиғишни бошлашдан олдин респондентга ўз гувоҳномасини кўрсатиши, ўз ваколатларига мувофиқ ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажариши, шахсга доир маълумотларни йиғиш жараёнида Аҳолини рўйхатга олиш дастурида белгиланган саволлар рўйхатига риоя этиши, уларнинг мазмунини бузилишига йўл қўймайлиги, шахсга доир маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши ва уларнинг мазмунини ошкор қилмаслиги зарурлиги уқтириб ўтилди.

**Бахтиёр БОЙМУРDOV,**  
Тошкент шаҳар статистика бошқармаси  
Рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва уни ўтказиш бўлими бошлиғи.



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ



Кўрик-танлов

**"БИР НУРОНИЙ ЎН ЁШГА МАСЪУЛ"**

Наманганда "Бир нуруний ўн ёшга масъул" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда Наманган шаҳри ва туманлардан 14 нафар нуруний ёшлар билан ишлаш юзасидан ўз тажрибаси ва маҳоратини намойён этди.



"Бир нуруний ўн ёшга масъул" тамойили бўйича вилоят бўйича 2346 нафар тажрибали нурунийга 23 минг 460 нафар тарбияси оғир, профилактик ҳисобда турган, иш билан таъминланмаган

ёшлар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилалар бириктирилган. Катта ҳаёт ва касб тажрибасига эга отахон-онахонлар томонидан бу ёшлар ўртасида маънавий-маърифий тадбирлар,

якка тартибдаги суҳбатлар ўтказилмоқда. Ўз навбатида, ёшлар муаммоларини ҳал этишга амалий ёрдам ҳам кўрсатмоқдалар. Бугунги танловда нурунийларнинг ана шундай фаолиятига ҳолисона баҳо берилди. Иштирокчилар иш услубларини тўлақонли намойиш этдилар.

Кўрик-танловда 1-ўринни Чортоқ тумани Дамариқ маҳалласи нурунийси Абдуллатиф Уриқов эгаллади. У танловнинг шу йил октябрь ойида бўлиб ўтадиган республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади. Шунингдек, танловда 2-ўрин Ўйчи туманидаги Қумтёпа маҳалласи нурунийси Маъруфжон Юлдашевга, 3-ўрин Наманган шаҳридаги Марғилон маҳалласи нурунийси Қундузхон Алиевага насиб этди.

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,**  
"Qishloq hayoti" муҳбири.

Реклама ҳуқуқи асосида

**АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" ягона МФОга ўтиш жараёнини муваффақиятли якунлади**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги ҳамда "Рақамли Ўзбекистон-2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалага ошириш чора тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари ижроси бўйича банк томонидан рақамлашган замонавий банк бизнеси ва хизматлари жорий қилинмоқда.

Хусусан, мижозларга янада сифатли ва замонавий хизматлар кўрсатиш мақсадида, "ПрисewaterхоусеСооперс" хорижий консалтинг компанияси билан ҳамкорликда стратегия ишлаб чиқилди. Унда банкнинг технологик инфратузилмасини модернизация қилиш ҳамда банк операцияларини марказлашган ҳолда амалага ошириш бўйича қатор лойиҳаларни ишга тушириш кўзда тутилган. Асосий тамойил банкнинг барча жараёнлари ва хизматлари мижозлар манфаатига йўналтирилган бўлиши лозим. Шу асосда жорий қилинган ягона МФО технологияси бир вақтнинг ўзида мижоз ва банк учун қатор афзалликларга эгаллиги билан аҳамиятлидир.



**Жумладан:**

- Мижоз ҳисобрақамларини банк миқёсида уникаллиги уларни тасарруф қилишда қулайлик яратади;

- Мижозга банкнинг қайси таркибий тузилмасида ҳисоб-рақам очганидан қатъий назар, унинг барча ҳисоб-рақамлари ва банкнинг исталган таркибий тузилмаси орқали хизмат кўрсатиш имконияти яратилади;

- Масофадан хизмат кўрсатиш тизими орқали мижоз банкнинг исталган таркибий тузилмасида очилган ўз ҳисоб-рақамларини эркин тасарруф қилиш имкониятига эга бўлади;

- Мижоз банкнинг бир таркибий тузилмасида исталган бошқа таркибий тузилмасига ўтганида унинг ҳисоб-рақамлари ўзгармайди, фақат мижоз ўтган таркибий тузилма ходимларига унинг ҳисоб-рақамлари билан ишлаш ваколати берилади;

- Мижоз банкнинг бир таркибий тузилмасида бошланган жараённи (масалан, кредит олишда) ушбу банкнинг исталган бошқа таркибий тузилмасида давом эттириш имкониятига эга бўлади;

- Мижозлар томонидан уларнинг банк тармоқларидаги ҳисоб-вақалари ўртасидаги тўловлари банк хизмат ҳақисиз ўтказилади;

- Бозор талабидан келиб чиқиб мижозларга қулай жойларда тезкорлик билан савдо нуқталари ташкил этиш, манзилни ўзгартириш ва қайта ташкил этиш имкониятини беради;

- Банк трансформациясигача бўлган самарасиз тармоқланган бошқарув тизимидан юқори самарали марказлашган бошқарув тизимига ўтказилади.

Лўнда қилиб айтганда, банкда ягона МФО технологиясининг жорий қилиниши мижозлар учун максимал қулайлик яратилишига, хизмат кўрсатиш тезлиги ва сифатини янада оширишга хизмат қилади.

Банк ахборот хизмати



Соғлом ҳаёт

**Чарчоқ ва ҳолсизликни осонгина енгамиз**

- Олма кверсетинга бой бўлиб, чарчоқ ҳиссини енгишга ёрдам беради. Айниқса, диққатни жамлай олмаслик қийнаётганида уни истеъмол қилиш лозим.

- Кун давомида тик оёқда юриб, уйга қайтдингиз. Музлаткичингизда 1 дона банан топилса, овқатдан олдин еб олинг. Банан кўл-оёқ мушакларига куч беради.

- Тунги бедорлик юз-кўзингиздан билиниб турса, сизга 2 дона қайнатилган тухум истеъмол қилиш ёрдам беради.

- Сумгангизда майиз, бодом ёки ерёнғоқ бўлиши лозим. Ишда бироз толиққандай бўлсангиз, тановул қилиб олсангиз бўлгани.